XALQ DEPUTATLARI G’ALLAOROL TUMANI KENGASHI
QARORI

2023 - yil 16 - avgust VI-56-102-3-45-K/23 G‘allaorol tumani hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий ҳокимият тўғрисида”ги Қонунининг 5, 6 - моддаларига асосан халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ

1. Туман иқтисодиёт ва молия бўлими (М.Турдимуродов)га туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил 2-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан **120,0 (бир юз йигирма) млн.сўм** маблағни туман маданият бўлимига ажратиш, бюджетга тегишли ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

2. Туман маданият бўлими (У.Бахрамов)га туман маҳаллий бюджетидан ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш вазифаси топширилсин.

3. Туман ғазначилик бўлинмаси (Б.Саттаров)га маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағларни тегишли ҳисоб рақамга ўз вақтида молиялаштиришни таъминласин.

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш, халқ депутатлари туман Кенгашининг “Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳатларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш” доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосарлари Т.Қўчқоров зиммасига юклатилсин.

Kengash raisi **Ж.Оқбоев**